БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЙЛ ЧИҚИШИ

№ 93 (3575).

12 МАЙ ЖУМА 1967 ИЙЛ

Баҳоси 2 тийин.

СССР ПАРТИЯ — ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ СОФИЯГА КЕЛДИ

СОФИЯ, 10 май. (ТАСС). Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг таклифига биноан, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси расмий визит билан бугун Софияга келди. Делегация Болгарияда бўлган вақтда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги янги шартнома имзоланади.

МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Область партия комитети ва ижроия комитети ҳамда касаба союзларининг область совети саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа коллективларининг 1967 йил биринчи кварталидаги соцналистик мусобақаси якунларини кўриб чиқди. Область партия комитети, ижроия комитети ва касаба союзлари область советининг кўчма Қизил байроғи Оҳангарон шаҳрига (шаҳар партия комитетининг секретари Д. Усачёв, шаҳар ижроия комитетининг раиси А. Ғуломов ўртоқлар) берилди. Шаҳар меҳнаткашлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича биринчи квартал планини 102,2 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш планини 102,7 процент, капитал маблағларни ўзлаштириш планини 121 процент, қурилиш-монтаж ишлари планини 116 процент қилиб бажаришга эришдилар. Байроқ Бекобод шаҳридан олиб берилди.

Шунингдек, Янгийўл шаҳар (шаҳар партия комитетининг секретари В. Рибалко, шаҳар ижроия комитетининг раиси З. Эрназаров ўртоқлар) ҳамда Юқори Чирчиқ райони (район партия комитетининг секретари И. Ладушкин, район ижроия комитетининг раиси Э. Икромов ўртоқлар) саноат корхоналари ва ташкилотларининг яхши ишлаганлиги қайд қилинди.



МАРДЛИК — МАНГУЛИК

Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган жангчиларга ёдгорликлар

Суратларда (чапда): Калинин районидаги Ленин номли колхоз қишлоғида Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган кишилар шарафига очилган ёдгорлик ёнига гулчамбарлар қўйиш маросими. Янгийўл районидаги Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-текшириш институтида «Шон-шарафлар» ёдгорлигининг очилишига бағишланган митинг (ўнгда). А. Абалян фотоси.

9 май — баҳодир совет кишилари Гитлер тўдасини ўз уясида яксон қилиб, ғолиблар байроғини магрурона юқорига кўтарган кун. Шу кунни она-Ватан мудофааси учун кўкрагини қалқон қилган улуғ рус дарёси Волгадан Берлингача борган, Рейхстаг гумбазига Советларнинг ҳамиша ғолиб байроғини қадаган тарихий байрамни нишонлаймиз. Шу куни биз совет кишиларининг ака-ука сингари, бирдам, ҳамнафас бўлиб озодлик урушида устун чиққан, Европадаги жуда кўп халқларга инсоний ҳуқуқларини олиб берган, ана шу урушда ўзларини шон-шарафлар билан буркаган қаҳрамон ўғил-қизларимизнинг, барча совет кишиларининг ғалаба кунини қутлаймиз. Шу куни биз она-Ватанни ҳимоя қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлган қўрқмас, баҳодир кишиларимизнинг номини такрор-такрор тилга олиб, қутлуғ қонлари тўкилган жойларда, қабрлари устида бошларимизни эгиб уларнинг номини ёд этамиз.

Халқимиз Улуғ Ватан урушида баҳодирларча жанг қилиб ҳалок бўлган ҳамқишлоқлари, ҳамшаҳарларининг номларини абадийлаштиришни ўзларининг инсоний бурчлари, деб биладилар. Шу сабабдан ҳам қишлоқлар марказига, шаҳарларга номлари мармар тошга зархал ҳарфлар билан ўйиб ёзилган ёдгорликлар қўйилмоқда. 1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қатнашиб, душманни Алломишдек қирган, қонли урушда ҳалок бўлган жангчиларга шу йил 9 май куни икки жойда — Янгийўл районидаги Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-текшириш институти, Калинин районидаги Ленин номли колхозда ўрнатилган ёдгорликларнинг очилиш маросими бўлди.

Янгийўл шаҳри яқинидаги қишлоқ бугун барвақт уйғонди. Байрам либосини кийган эрлар ва аёллар, кексалар ва ёшлар қишлоқ марказига оқиб келардилар. Кўкракларини жанговар орден ва медаллар безаб турган Улуғ Ватан урушн ветеранлари иззат-ҳурматда. Улар ёнида урушдан кейинги ўсиш, юксалиш ҳаракатида фидокорлик кўрсатган, меҳнат шон-шараф келтирган, бугунги кунда кўкракларида орден-медаллар яшнаб турган азаматлар, фидокорлар туришибди.

Қишлоқ марказига ўрнатилган «Шон-шараф» ёдгорлиги атрофи одамлар билан тўлган. Едгорликни очишга бағишланган митингни институт партия ташкилотининг секретари Э. Эгамбердиев очади.

— «Шон-шараф» ёдгорлигининг очилиши Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳамқишлоқларимизнинг руҳини абадий шод этишдир,— деди у.

Институт директори М. Ғаниев сўз олади.

— 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушига ўша вақтда кичик коллектив бўлган бизнинг хўжаликдан 205 киши қўлга қурол олиб жўнаган эди. Шулардан 52 киши фронтларда ҳалок бўлди. Бугун биз шу баҳодирлар шарафига қўйилган мармар ёдгорлик олдида қасамёд қилиб аштимизки, уларнинг табаррук номлари асло унутилмайди, ўғил-қизлари, ота-оналари, ака-укалари ҳамиша ҳурмат-иззатда бўлади, улар ўйлаган ишлар беш карра, ўн карра зиёдаси билан амалга оширилади.

Севикли давлатимизнинг 50 йиллигига муносиб совға тайёрлаш учун қурашнлаётган шу кунларда қувонч билан айта оламизки, институтимиз урушдан кейинги даврга қараганда беш марта ўсди. Ийл сайин зўр одим ташлаб юксалаётган қишлоқ хўжалигимиз учун зарур бўлган мукаммал машиналарни синаб, ишлаб чиқаришга тавсия этиш соҳасидаги улкан вазифаларни албатта бажарамиз.

Институт ходими, ҳозирги пайтда Совет Армиясининг солдати В. Бурюковский сўз олади.

— Оталаримиз, акаларимиз шарафига қўйилган ёдгорлик ёнида туриб айтаманки, Сизлар душманга қандай аёвсиз зарба берган бўлсангиз, биз ҳам она еримизнинг покиза тупроғига уларни ҳеч вақт йўлатмаймиз!

Жанговар қуроллардан уч марта ўқ узиб салют берилди. «Шон-шарафлар» ёдгорлиги тагига гулчамбарлар, гулдасталар қўйилади. Оталар, оналар, акаукалар, опа-сингиллар, ўғил-қизлар, невaралар келиб ёдгорлик олдида яна бир марта бошларини эгадилар, қаҳрамонлар номини ҳурмат билан тилга оладилар.

Калинин районидаги Ленин номли колхоз қишлоғи. Ҳозиргина ёғиб ўтган баҳор ёмғирининг қуёш нурида дурдек товланаётган доналари яркирайди. Яшил либос кийган боғларда қушлар овози эшитилади. Кўчалар, идора атрофи байрамлардагидек безатилган. Бу қишлоқ кишилари бугун районнинг бошқа хўжаликларидан келаётган меҳмонларни пешвоз чиқиб кутиб оладилар. Ҳамма байрам либосида. Идора олдидан ўтган ариқда баҳорнинг бўз ранг суви шарқираб оқади. Ариқ лабига қўйилган скамейкаларда ёшлар, кексалар, аёллар ўтиришибди.

Бугун шу қишлоқ марказида шу колхоздан Улуғ Ватан урушига борган ва жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган кишилар шарафига қўйилган ёдгорлик очилди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти, бутун қишлоқ аҳолиси ўз ҳамқишлоқларининг табаррук номларини абадийлаштиришга қарор қилдилар. Улуғ Ватан урушига шу қишлоқдан кетган 251 кишидан 134 киши қайтиб келмаган, она юрт учун қон тўкиб баҳодирларча ҳалок бўлган.

Уларнинг номини абадийлаштириш ҳар бир кишининг эзгу ниятн эди. Шу мақсадда колхоз идорасининг ёнида турли-туман

(Давоми учинчи бетда).

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Шу кунларда далаларимизнинг файзи яна ҳам очилиб кетди. Қайга бормзнг атроф кўм-кўк. Пахтазор пайкалларига бир қараб боқинг-а! Яшил квадратлар кўз-кўз бўлиб турибди. Деҳқонларимиз эрта тонгдан то қош қорайгунгача меҳнат қилишиб, кўчатларни қалб ҳарорати билан парвариш қилишмоқда. Сифатли ишлов берилган жойлардаги кўчатларнинг бўйигабўй қўшилмоқда. Ишни пухта ташкил қилиб, социалистик мусобақани кучайтирган звено, участкаларда яганалаш қизғин кетмоқда Ғўзанинг дастлабки парвариши ҳам тугалланай деб қолди. Механизаторлар узунасига ва кўндалангига ишлов беришда гайрат кўрсатишяпти. Ҳар гектар ерда кўпроқ кўчат бўлишига жиддий эътибор қилинмоқда.

Қатқалоққа қарши кураш масаласи ҳам шу кунларда пахтакорларимизнинг диққат марказида турибди. Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва бошқа районларда сел ва ёмғирнинг кўп бўлиши сабабли бир неча юз гектардаги майдонларда экинларни қатқалоқ босди. Бу эса уруғнинг ердан тез униб чиқиши ва ривожланишини бироз сусайтириб қўйди. Пахтакорлар табиат инжиқликларига қарши курашни кучайтириб юбордилар. Қатқалоққа қарши курош уюштирилиб, бу ишга қўшимча ишчи ва техника кучлари сафарбар қилинди. Юқори Чирчиқ районининг ўзида мингдан ортиқ киши экинларни қатқалоқдан холи қилиш билан шуғулланмоқда. Бу ишда ўнлаб ротацион юмшатгичлардан, культиваторлардан мохирлик билан фойдаланилмоқда. Бундай ишларни областнинг бошқа районларидаги хўжаликларда ҳам кўришимиз мумкин. Қатқалоқ юмшатилган майдонлардаги кўчатлар тез гуркираб ўсмоқда.

Ҳозирги ҳар бир кун ва соат долзарб Экинларни меҳр билан парвариш қилиш, қаторлардаги уруғларни тезроқ ундириб олиш, сийрак карталарга қўшимча уруғ ташлашдек масъулиятли вазифалар турибди. Дала ишларини намунали олиб бориш билан бир вақтда пилла қурти боқишга ҳам эътиборни ҳартарафлама кучайтиришимиз керак. Бекобод, Оққўрғон, Янгийўлдаги пешқадам хўжаликларда ягана, қатор ораларига ишлов бериш билан бир вақтда пилла қурти боқиш ҳам кўнгилдагидек кетмоқда. Колхозларда бу ишга кексалар, пенсионерлар ҳам жалб этилган. Шунинг учун ҳам ғўзаларни ўт босиб кетмаяпти. Пилла қурти ўз вақтида барг билан таъминланиб турибди.

Редакциямизга келаётган хабарлардан маълум бўлишича, деҳончиликдан мўл ҳосил етиштириб Улуғ Октябрининг 50 йиллик тўйини муносиб совғалар билан нишонлаш учун курашаётган дала механизаторларининг сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Минг-минглаб кишилар юбилей вахтасида турибаракали меҳнат қилишмоқда. Тўйга тўёна тайёрлашмоқда.

Оққўрғонлик ўқитувчи Н. Тўфоновнинг бизга ёзишича, «Ленинобод» колхози аъзоларининг пахта ва пилладан мўл ҳосил етиштириш юзасидан бошланган мусобақаси айниқса самарали бўляпти. Пиллачилар зўр гайрат қилишяпти. Барглар яхши қирқилиб тез-тез қуртларга берилиб турибди. Деҳқонларнинг гайрати ҳам чакки эмас. 1500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22,5 ўрнига 25 центнердан ҳосил етиштириш йўлида астойдил ҳаракат қилишяпти. Бу ердаги асосий майдонларда чигит текис ундириб олинди. Илгор звено ва участкаларда ғўзани комплекс парвариш қилиш кучайтириб юборилди.

Ўқитувчининг ёзишича, райондаги «Партия XXII съезди», Ботинцев номли колхоз аъзолари ҳам қатқалоққа қарши курашиб, тўла гектарлар ҳосил қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу райондаги Ҳ. Олимжон номли колхоздан Р. Каримназаров, 1-«Оққўрғон» совхозидан А. Абдураимов, Энгельс номли колхоздан К. Бузруков, «Ленинизм» колхозидан В. Тошхўжаев ўртоқлар ҳам бир неча хат ва хабарлар юборишган. Уларнинг ёзишича юқорида зикр қилинган хўжаликларда иш анча яхши кетяпти. Айниқса комплекс механизациялаштирган звеноларда қатор ораларига ишлов бериш мақтарлидир. Колхозчилар, совхоз ишчилари ваъдага яраша иш қилмоқдалар.

Қишлоқ мухбири А. Ҳамдахонов нинг хабар қилишича, Бекобод райондаги Ленин номли, Дзержинский номли, Навоий номли колхозларда тўла гектарлар ҳосил қилиш учун кураш қизғин. Дастлабки культивацияда чиқарилган майдонлардаги ғўзалар ягана қилиб қўйилди.

— Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз, — деб ёзади ўқувчилардан Б. Сайдашев, — 728 гектар ерга уруғ ташлаган эди. Сифатли қилиб экилган майдонлардаги чигит бир текис униб чиқди. Х. Мирзаазизов, И. Эрназаров, Э. Аблякимов, Ж. Сулаймонов каби моҳир механизаторлар кўндалангига ва узунасига ишлов беришда бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Улар кунига ўн гектардан ортиқ ердаги ғўзани культивация қилишмоқда.

Янгийўллик қишлоқ мухбирларидан Т. Имомов, К. Булганбоев, Т. Норқўзиев ўртоқларнинг йўллаган хатларида Энгельс номли, Карл Маркс номли, Охунбобоев номли колхозлар дала ишларини қизғин тус олдираётганлиги конкрет мисолларда кўрсатилган. Т. Йўлдошев, Ж. Холматов, Ш. Холмуҳамедов, Р. Қутбиддинов, Т. Шералиев ўртоқлар Ўрта Чирчиқ райондаги Ленин номли, Энгельс номли, Карл Маркс номли ва бошқа хўжаликларда далада ҳалол меҳнат қилаётган кишиларга кўрсатилаётган маданий-маиший хизматлар ҳақида ёзишган. Хатлардан маълум бўлишича, хўжаликларда иш кунларига ўз вақтида ҳақ тўлаб туриш яхши йўлга қўйилган. Бу эса меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, иш унумдорлигини оширишда катта роль ўйнамоқда.

Биз Оржоникидзе, Калинин ва бошқа районлардан ҳам анчагина хат-хабарлар олдик. Уларнинг ҳам кўпчилиги мазмунли ёзишган. М. Кўчқоров, Х. Фатхуллаев, К. Ортиқов, Н. Қодиров, А. Қодиров, Қ. Мирҳосилов ва бошқа ўртоқларнинг хабарларида ҳам дала меҳнаткашларининг олижаноб ишлари ҳурмат билан баён этилади.

Далаларимизда иш ҳар қачонгидан ҳам қизғин. Пахтакорлар, пиллачилар, сабзавоткорлар, соҳибкорлар қўлни-қўлга бериб юбилей йилида ҳар қачонгидан ҳам баракали меҳнат қилишмоқда. Улар шодиёна тўйимизга муносиб тўёна билан келиш иштиёқидалар.

ХАТЛАРГА ОБЗОР

ЎЗБЕКИСТОНДА ВЕНГРИЯ МАДАНИЯТИ ДЕКАДАСИ ОЛДИДАН



● Сиз ушбу суратда кўриб турган қувноқ йигит ва қизлар талабаларидир. Венгрия аҳолисининг бешдан бир қисми — икки миллиондан зиёд ёшлар ўқишга жалб этилган. Венгрияда халқ ҳокимияти ўрнатилгандан бери мамлакатда ўқувчилар ва студентларнинг сони саккиз марта ошди. МТИ—ТАСС фотоси.

МАРҲАБО, ДЎСТЛАР!

Шу кунларда Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида иш қизғин. Бу ерда республикамизда ўтказиладиган Венгрия маданияти декадасига катта тайёргарлик кўрилаяпти. Жамият ходимлари венгер дўстлар билан хат ёзишиб, шу кардош мамлакатдан келган материалларни олмоқдалар, кўргазмалар тайёрлашга киришмоқдалар.

Венгер маданияти декадаси пойтахтимизда 16 майда тантанали суратда очилади. Пойтахт жамоатчилиги Венгриянинг партия ва жамоат арбобларини, Венгер—Совет дўстлиги жамиятининг вакилларини, санъат ва маданият арбобларини, жами 50 кишини қабул қилади.

Венгриялик дўстларимиз Ўзбекистон меҳнаткашларини ўз республикаларининг экономика ва маданият соҳасидаги муваффақиятлари билан таништирадилар. Шунингдек, Тошкентда венгер тасвирий санъати намуналари, плакатлар, фотосуратлар намойиш қилинади. Венгрия миллий галереясининг айрим намуналари кўрсатилади.

ҚАРДОШЛИК МАРШРУТЛАРИ

Республикамизда венгер маданияти декадасининг қатнашчилари учун уларнинг меҳнаткашларимиз ҳаёти билан танишишига кенг имконият яратиб берилади. Областимиз меҳнаткашлари ҳам қадрли дўстларни ўз қишлоқларида, колхоз ва совхозларида кутиб олишади. Кўпгина жойларда венгер маданияти кечалари ва байрамлари ўтказилади. Уларда венгер санъат усталари иштирок этишади. Меҳмонлар Ўзбекистон пойтахти билан кенг танишадилар. Улар янги қурилишларни бориб кўрадилар. Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ҳам бўладилар.

Дўстларимиз маршрутлари республикамизнинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқлари орқали ўтади. Венгерлар Олмалиқ, бу ердаги Кўргошин-руҳ комбинати билан танишадилар. Шунингдек, қадимий Самарқандга ҳам борадилар. Бу ерда ўтган асрлар халқ меъморчилигининг ажойиб ёдгорликлари билан танишадилар, шаҳардаги корхоналар, илмий муассаса ва олий ўқув юртларида бўладилар. Меҳмонлар кимёгарлар шаҳри — Навоийни ҳам бориб кўришади. Фарғона водийсининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам ажойиб учрашувлар ўтказилади. Хуллас, венгер меҳмонлар республикамиз ҳаёти билан ҳар тарафлама танишишади.

ВЕНГЕР ФИЛЬМЛАРИ—ЭКРАНЛАРИМИЗДА

Декада кунларида Тошкентнинг ўнлаб кинотеатрларида венгер фильмлари намойиш қилинади. Улар орасида бадиий, маъзарали, ҳужжатли фильмлар бор. Фильмлардан баъзиларини эслатиб ўтайлик: «Венгер рапсодияси», «Халқ балладаси», «Бахт», «Бугунги Венгрия», «Будапешт», «Дам олиш оромгоҳи» ва ҳоказолар. Улар билан бир каторда венгер кинематографларининг бадиий ленталари ҳам кўрсатилади. Ўзбек кино томошабинлари янги венгер фильмлари билан, унинг ажойиб артистлари билан яна бир марта учрашиш имкониятига эга бўладилар.

С. БЕРЖАНЕР.

ҒОЯВИЙ ЧИНИҚИШ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Коммунистларнинг сиёсий ўқуви — идеология ишининг энг жанговар соҳасидир. Чунки олдимизда турган муҳим сиёсий ва хўжалик вазифаларининг муваффақиятли ҳал этилиши кадрларимизнинг онги, малакаси, савиясига боғлиқ. КПСС XXIII съездида партия аъзоларининг маркса-ленинча билимини тўхтовсиз ошириб бориш, сиёсий маориф темаси нишни коммунистик қурилишнинг ҳозирги талаблари асосида янада такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири қилиб қўйилди. Оржоникидзе район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими сиёсий ўқувнинг янги системасини ҳаётга татбиқ этишда ана шу кўрсатмага амал қилмоқда.

Ҳозирги вақтда район бўйича 4695 коммунист ва 1053 партиясиз сиёсий ўқишга жалб қилинган. Партия ўқувининг барча форма ва мазмуни коммунистларни ғоявий чиниқтиришга қаратилган. Шу мақсадда 91 бошланғич сиёсий ва 73 марксизм-ленинизм асослари мактаблари ташкил этилган. Олий маълумотли коммунистлар назарий семинарларда ўз савияларини оширмоқдалар. Ҳозир районда 97 та назарий семинар ишлаб турибди. Булар — фанда фалсафий ва иқтисодий проблемалар, эстетика ва коммунистик тарбия бўйича назарий семинарлар бўлиб, асосан илмий тадқиқот институтларида, геология ва геофизика экспедицияларида, мактабларда иш олиб бормоқда.

Машғулотларни 370 пропагандист олиб бормоқда. Уларнинг аксарияти олий маълумотга эга бўлган ва пропагандистлик ишида катта тажриба орттирган кишилардир. Район сиёсий маориф уйи пропагандистлар учун мунтазам равишда семинарлар ўтказиб турибди. Пропагандистларга ўқув-методик характердаги лекциялардан ташқари халқаро аҳвол ва бошқа темаларда ҳам суҳбатлар, лекциялар, докладлар уюштирилмоқда. Семинарларда район партия комитетининг секретарлари янги беш йилликнинг иккинчи йили — юбилей йилида район меҳнаткашлари олдида турган вазифалар ҳақида сўзлаб бермоқдалар. Пропагандистларга қулай бўлиши учун семинар бўлаётган жойда дарсликлар, ўқув қўлланмалари, плакатлар, сиёсий адабиётлар сотиш ташкил этилмоқда.

Районимиз территорияси жуда катта. Унинг бир томони республика пойтахтига, иккинчи томони Чотқол тоғларига туташиб кетган. Кўпчилик хўжаликлар, бригадалар, аҳоли яшайдиган пунктлар район марказидан 90—100 километр нарида. Шу сабабли пропагандистларга ўз вақтида методик ёрдам кўрсатишда бирмунча қийинчиликлар содир бўлмоқда. Ана шуни ҳисобга олиб райкомнинг пропаганда ва агитация бўлими сиёсий маориф уйи консультантларининг ишини шароитга мослаб қайта қурди. Эндиликда консультация олиш учун пропагандистлар райкомга келмайдилар. Балки консультантларнинг ўзлари жойларга бориб, уларга ишда яқиндан амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бу иш райком томонидан тасдиқланган 28 штатсиз консультант зиммасига юкланган. Ҳар бир консультантга бир неча партия ташкилоти бириктириб қўйилган. Бу ташкилотлар, албатта, улар ишлайдиган ёки яшайдиган жойга яқин бўлади. Консультантлар вақт топиб тез-тез пропагандистлар билан учрашиб турадилар, машғулотларда иштирок қиладилар, у ёки бу темани ўзлаштиришда уларга ёрдам берадилар.

Районимизда машғулотларнинг қизиқарли ва таъсирчан ўтишини таъминлаётган тажрибали пропагандистлар оз эмас. «Правда» колхозидан А. И. Сафронов, «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозидан Х. Зиёбоев, «Қизил Ўзбекистон» колхозидан Т. Тошпўлатов, 51-мактабдан О. П. Захарова, Оржоникидзе ГЭСлари тизмасидан Л. М. Стерин шулар жумласидандир.

Айтиш керакки, кўпчилик партия ташкилотларининг секретарлари коммунистларнинг сиёсий ўқувига катта масъулият ҳисси билан қарамоқдалар. Масалан, ГЭСлар тизмаси партия ташкилоти ҳар бир тинглаварий билимларини қандай ошираётганликларини мунтазам кузатиб боради. Устав талабларини унутиб қўяёган, машғулотларга қатнашмайдиган кишиларни дарҳол тартибга чақиради. Яқинда корхона партия ташкилоти йиғилишида коммунистлар ўқуви қандай бораётганлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Мажлисда машғулотларга қатнашмай қўйган айрим ўртоқлар қаттиқ танқид остига олинди.

Коммунистларнинг сиёсий ўқувига етарли эътибор бермаётган партия ташкилотларн ҳам йўқ эмас. «Правда» колхозидаги марказий участкада ташкил этилган бошланғич сиёсий мактабда машғулотлар баъзан белгиланган вақтда ўтмай қолаётганлиги аниқланди. Колхоз партия комитетининг секретари А. Қурбонов бу аҳволни кўрабила туриб, уни тузатиш тадбирларини белгиламаган. Тошкент ГРЭСи партия ташкилотида (секретари У. Ҳошимов) коммунист инженер-техник ходимларнинг ўқуви яхши ташкил этилмаган. Шунингдек, «Ленинград» колхозида (партком секретари С. Арслонов) сиёсий маориф ишида жиддий камчиликлар содир бўлаётганлиги аниқланди. Райком бюроси юқорида санаб ўтилган партия ташкилотларида коммунистларнинг сиёсий ўқуви масаласини муҳокама қилди. «Правда» колхози партком секретари А. Қурбонов ва бошқа ўртоқларни қаттиқ огоҳлантириб, улардан қисқа вақт ичида йўл қўйилган камчиликларни тузатиш тадбирларини кўришни талаб қилди.

Партиявий ишнинг ҳамма соҳаларидаги каби сиёсий маорифда ҳам изчил изланиш, маҳаллий шароитга қараб иш тутиш талаб қилинади. Шуни ҳисобга олган ҳолда коммунистлар ва партиясизлар ўқувининг барча формаларини такомиллаштириш, машғулотларнинг таъсирчанлигини ошириш, тингловчиларнинг ўтилган темаларни яхши ўзлаштиришларига эришиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз.

С. РУСТАМОВ,
Оржоникидзе район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири.
Е. ФИЛОНЕНКО,
бўлим мудирининг ўринбосари.

ДЎСТЛИК МАРШРУТЛАРИ БЎЙЛАБ

Туркманистонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси кунларида бўлиб ўтган кўнгина учрашувлардан бирида ажойиб тақдир эгаси бўлган киши — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Курбон Дурди тўғрисидаги поэма янгради. Поэма автори — Туркманистон халқ шоири Дурди Қилич ҳозир Ашхободда истиқомат қилаётган ҳамшаҳри — фронт разведкачисининг жасоратини куйлади.

Қаҳрамоннинг ўзи — поэмада куйланган киши шу вақт залда ўтирар ва ўзбек дўстларини олқишлар эди. Тез орада биз Курбон Дурди билан танишдик ва у кўрсатган қаҳрамонлик тафсилотини билиб олдик. Бу воқеа 1941 йил 26 июнда Прут дарёсида бўлиб ўтган эди. Душманнинг орқа томонига юборилган 13 жангчининг орасида Қурбон Дурди ҳам бор эди. Хатарли топшириқни бажариш учун у билан бирга икки ўзбек жангчиси борди. Уларнинг номини Қурбон Дурди бир умрга эслаб қолди. Улар — Раҳимов ва Юнусов эди.

— Мен бугун Ўзбекистон билан яна учрашаётганлигимдан бахтиёрман, дейди Қурбон Дурди. Мен қанчалик ҳурсанд бўлганлигимни сўзлар билан изҳор қила олмайман. Мен учун Ўзбекистон — энг азиз кишилар демакдир. Бу қон билан мустаҳкамланган дўстликдир. Мен 1942 йилнинг бошида Тошкентда бўлиб, завод ва фабрикаларга борганман. Халқ фашизм устидан ғалаба қилиш учун бутун куч-ғайратини сарфлаётганлигини ўз кўзим билан кўрган эдим. Мана энди декада вақтида мен учун азиз бўлган ўлка билан яна учрашдим.

Шу кунларда бутун туркман халқи Ўзбекистонга муваффақиятлар тиламоқда.

Декада қатнашчиларидан бир группаси Челекен ариқ оролида бўлди. Ёзувчилар, композиторлар ва артистларимиз Каспий денгизи томон қурилган эстакадани кўрдилар. Ҳозирдаёқ ўн саккиз қудуқ денгиз остидан нефть бермоқда, ундан нарикда, соҳилдан 25 километр нарида эса пўлат оролдар қад кўтарган. Челекен шаҳар маданият саройида бўлиб ўтган дўстлик кечасига нефтчилар, газчилар, химиклар ва ер ости бойликлари разведкачилари тўпланишди.

— Севги ва дўстлик туйғуларимиз кекса Каспий соҳилларидан дала ва заводларингизга, яшаётган пойтахтингизга етиб борсин, — дейди меҳмонларга мурожаат қилиб кекса нефтчи Хасан Ортиқов.

Композитор Шариф Рамозонов, ёзувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Карпов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат кинематография Комитетининг раиси А. Қаюмов декада қатнашчилари номидан челекенликларни табрикладилар.

Тошовуз, кўҳна Урганч ва Калинин районлари колхозларининг меҳнаткашлари СССР халқ артисти С. Қобулова ҳамда Ўзбекистон Давлат филармонияси артистларини даста-даста гуллар билан кутиб олдилар.

Ўзбек филармонияси симфоник оркестрининг Ашхободда берган концерти дўстлик концерти бўлди. Программага икки қардош республиканинг таниқли композиторларининг асарлари ва уларнинг Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига бағишланган асарлари киритилган эди.

Оркестр дирижери Зоҳид Ҳақназаров Нури Мухатовнинг симфоник поэмаси, Ашир Қулиевнинг оркестр жўрлигидаги скрипка учун концерти, Чори Нуримов ва Туркманистоннинг бошқа таниқли композиторлари увертюралари партитурасини Ашхободга келишдан бир неча кунгина илгари олган эди. Шунинг учун ҳам бу бадиий коллективга декада кунларида жуда кўп меҳнат қилишга тўғри келди. Концертлар бериш билан бирга давомли репетициялар ўтказилди. Натижада машқур асарлар Тошкент музикачилари ижросида муваффақият билан янгради. Айни вақтда И. Анбаровнинг «Эпик поэма»си, Д. Соатқуловнинг «Сайилга юриш» поэмасини, Мухтор Ашрафийнинг вокал-симфоник поэмаси ва унинг Совет давлатининг юбилейига бағишлаб ёзган «Машаққатли кунларда» асари тингловчиларга манзур бўлди.

Ашхободдаги Пушкин номли рус драма театрининг «Севги тўғрисида 104 саҳифа» спектаклида тошкентлик артист С. Аникина, Махтумқули номли театрнинг саҳнасида «Жизель» балетида ўзбек артисти С. Бурҳонов қатнашдилар.

Г. ЛИПШИЦ
С. ФРОЛОВА
(ЎзТАГ махсус мухбирлари)
Ашхобод шаҳри.

ЎН САККИЗ МАМЛАКАТ ДИПЛОМАТЛАРИ — ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Ўн саккиз мамлакат дипломатлари Ўзбекистоннинг ҳаёти билан, унинг экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасидаги ютуқлари билан танишиб чиқишни истадилар. Москвадаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари 10 майда самолётда Тошкентга келишди.

Дипломатлар орасида Таиланд элчиси Прамот Чончарен, Бразилия элчиси Энрике Родригес Валле, Бирлашган Танзания Республикасининг элчиси Даниэль Л. Мфинанга, Мавритания Ислом Республикасининг элчиси Усейну Диоп, Цейлон элчиси Бенжамин Ф. Перера, Уругвай элчиси Вирхилио Сампоньяро рафиқаси билан, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг элчиси Умар Усседик рафиқаси билан, Судан Республикасининг элчиси Усмон Абдулла Ҳамид ўғли билан, Нидерландия элчиси Герард Беелартс Ван Блокланд, Чад Республикасининг элчиси Брюно Бойяди, Иордания элчиси Абдулла Зурайқат рафиқаси билан, Туркия элчиси Ҳасан Э. Ишиқ, Ливан Республикаси элчисининг рафиқаси А. Амуни, Франция элчиси Оливье Бормсер рафиқаси билан, Швейцария элчиси Август Р. Линдт, Гвинея Республикасининг элчиси Фадеала Кейта, Муваққат ишлар вакили Индонезия элчихонасининг маслаҳатчиси А. Мунс рафиқаси билан ва Гана элчихонасининг маслаҳатчиси Ж. Артур.

Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. А. Асомов, Республика Маданият министри В. Й. Зоҳидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети радио эшиттириш ва телевидение комитетининг раиси У. Е. Иброҳимов, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг раиси Ҳ. С. Шукурова, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари У. А. Рустамов, жамоатчилик вакиллари ва журналистлар кутиб олдилар.

Болалар меҳмонларга гулдасталар тақдим этишди.

Дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари Ўзбекистонда бир неча кун бўлиб, республика бўйлаб саёҳат қиладилар. (ЎзТАГ).



КОРХОНА ШУҲРАТИ УЧУН

Коллективимиз ҳар йили қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига кўплаб машиналар етказиб бермоқда. Фақатгина ўтган йили биз тайёрлаган мингдаб универсал культиваторлар, кўрак терадиган машиналар, қишлоқ хўжалиги агрегатлари учун ўнларча минг сўмлик эҳтиёт қисмлар республикамиз, мамлакатимизнинг бошқа пахтакор районларига жўнатилди.

Кейинги вақтда тайёрланаётган машиналар сифатини яхшилаш, пухталигини ошириш, узоқ муддат давомида бузилмасдан ишлашини таъминлаш учун қатор ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Натижада марказимиз шуҳрати ошди. Эндиликда заводимиз ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик агрегатларини мамлакатимиздагина эмас, қатор чет эл давлатларида ҳам учратиш мумкин.

Ўтган йили корхона бирорта ҳам рекламация олмаганлиги биз учун жуда қувончлидир. Демак, машиналаримиз дала меҳнаткашларига яхши хизмат кўрсатибди, уларга манзур бўлибди. Лекин бу нарса завод коллективини хотиржамликка солиб қўйганни йўқ. Аксинча, у машиналарнинг сифати замонамиз талабларига бундан буён ҳам мувофиқ бўлиши учун курашяпти.

Мана бир мисол. Аввалларн ишчи ўзи ишлаб чиқарган брак маҳсулот учун моддий жавобгар эмас эди. Брак маҳсулот корхона ҳисобига ёзиб қўйиларди. Эндиликда бундай қилинмаётир. Брак маҳсулотни эса шунга йўл қўйган ишчи ҳисобига ёзилади. Бунда мастер ёки техника контроли бўлими ходими қатори ишчининг ҳам масъулияти ошди. 1965 йили корхона брак маҳсулотлардан 130 минг сўмлик зарар кўрган бўлса, ўтган йили у тенг яримга камайди.

Заводда маҳсулот сифатини ошириш мақсадида ўтган йили ишчилар ва техника контроли бўлими ходимларининг ўқуви ташкил қилинди. Корхонадаги барча цехларда ўқув охирида имтиҳонлар олинди. Эндиликда техника контроли бўлимининг кўпчилик ходимлари ўрта техника маълумотига эгадирлар. Ишчиларга ва контролёрларга узел ёки деталларнинг сифатини яхшилаш мақсадида шахсий тамғалар бериш жорий қилинди. Бу ҳам ходимларимизнинг масъулиятини анча оширди.

Корхонада машиналар сифатини яхшилашда жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни ремонт қилиш графигига қатъий риоя қилинадиган бўлди. Ҳар бир цехда асбоб-ускуналарни кўздан кечириш ва ремонт қилиш графиги тузилган. Бу графикка қатъий амал қилишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Негаки, кейинги йилларда асосий цехлар янги замонавий станок, автомат ва ярим автомат агрегатлар билан бойинди.

Лекин ҳали бу борада яна кўпгина ишлар қилинишн лозим. Цехларимизда маҳсулот сифатини оширишга тўсқинлик қилаётган камчиликлар ҳам рўй бериб туради. Масалан, сифат бўйича партия контроли комиссияси томонидан 2, 3, 25- механика-йиғув цехларида асбоб-ускуналарни ремонт қилиш графиги қандай бажарилаётганлигини текшириб кўрилди. Текширишда шу нарса аниқландики, тузилган графикларга кўпинча риоя қилинмаган, асбоб-ускуналар то ишдан чиқмагунча ремонтга берилмаган.

Корхонада ҳар бир ишчи ва инженер-техник ходимининг ишлаб чиқариш технологиясига қатъий риоя қилишига эришиш зарур. Ҳозирда ҳар бир цехда, ҳар бир бўлимда машиналарнинг чертёжлари бўлишига қарамай, айрим ишчилар ва инженер-техник ходимлар чертёж ўлчовларига риоя қилишмайди. Натижада бракка йўл қўйишади. Ана шундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида контроль синаш станцияси ташкил қилинган. Шу станция ходимлари ҳар 25 машинадан бирини ёки уларнинг узелларини синаб кўриб, пухта текширишдан ўтказишади. Бунда аниқланган камчиликлар тўғрисида 3 нусхада акт тузилади. Технология жараёнларини бузган, чертёж ўлчовларига риоя қилмаган кишилар қатъий огоҳлантирилади. Цех журналига уларнинг номлари ёзиб қўйилади. Лекин афсуски, айрим ҳолларда аниқланган камчиликлар ҳамиша ҳам дарҳол тузатилавермайди.

Маълумки, корхонада ишнинг бир меъёрда бўлиши маҳсулот сифатини оширишда муҳим омиллардан бири саналади. Аввалги йилларга нисбатан заводимизда бу соҳада анчагина ишлар амалга оширилди. Аммо кўпгина цехларда ҳали ҳам ойлик графикларга тўла риоя қилинаяпти, деб бўлмайди. Одатда биринчи ўн кунликда ойлик планнинг 20-25 процентн, иккинчисида 25-30 процентн бажарилади-ю, қолган маҳсулот эса кўпинча учинчи ўн кунликда ишлаб чиқарилади. Бундай ҳоллар заводнинг 2, 3, 25- механика йиғув цехларида учраб туради.

Юбилей йили завод коллективи олдига янада катта вазифалар юкланган. Бу йил дала меҳнаткашлари учун КРХ-4-6 маркали 27 минг дона культиватор, 3 минг дона кўрак йиғиш машинаси, неча юз минг сўмлик запас қисмлар, 400 минг сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилади. Ўндан ташқари, халқ демократияси мамлакатлари учун ҳам талай машиналар жўнатилади.

Корхона аҳли Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига социалистик мажбурият қабул қилган. Ҳозирги кунда машинасозлар бу мажбуриятни ўз вақтида ошириб бажариш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

П. АБЛАМОНОВ
«Чирчиқсельмаш» заводи 6-цехи техника контроли бўлимининг мастери.

ТОШКЕНТДАГИ 1-пойафзал фабрикасининг коллективи шонли юбилейини муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилаяпти. Ҳозирда корхона цехларида социалистик мусобақа авжида. Сиз суратда кўриб турган А. Гриднева ва Т. Қорабоев ўртоқлар ана шу мусобақа илғорларидир.

А. Тўраев фотоси.

ОКТЯБРЬ БАҲОРИ

Машинамиз кенг-равон асфальт кўчадан массив томон елиб бормоқда. Автобус йўловчилар билан тўла. Уларнинг деярли ҳаммаси бу ерга зилзиладан кейин кўчиб келган кишилар, бир-бирларига шундай ширин, ҳазил-мутойиба қилиб боришар эдики, чеҳраларидан афсус аломатини сезмасдингиз. Аҳён-аҳёнда автобусимизни қувиб бортига ёғоч, ғишт, шифер ортган машиналар ошиқиб ўтиб қолишарди.

Машинамиз Оқтепага етганда ўнг томондаги катта асфальт кўчага бурилди. Шу вақт яқиндагина қад кўтариб. салобат билан турган бино пештоқидаги «Қизил тонг» кўчаси деб ёзиб қўйилган табличкага кўзимиз тушиб қолди. бундай қараганда кўчанинг эни-ю, унинг равонлиги шаҳримизнинг марказий кўчаларидан қолишмайди. Эни 60 метр экан. Йўлнинг иккала томонида саф тортган бир-биридан кўркам бинолар кўча ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Орадан ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса ҳам бу ерда томи ёпилмай ёки сувоғи қилинмай қолиб кетган бирорта ҳам уйни учратмадик. Олди бинолар аллақачон оппоқ алибастр сувоғидан чиқарилган. Ҳа, давлатимиз зилзила туфайли вақтинча бошпанасиз қолган кишилар озор чекишмасин деб ҳамма ишқатдан ёрдам бермоқда. Ҳозир массивнинг ҳар бир кўчасига электр симлари тортилган. Водопровод жумрагидан зилол сув шариллаб оқиб турибди. Кўчанинг у ер-бу ерида қурилган шинамгина озиқ-овқат ва саноат моллари магазинларининг заллари кишилар билан гавжум. Кун ҳали эрта бўлгани учунми кишилар одатдагидек ишга, ёшлар эса ўқишга ошиқишарди.

Биз яқин ўртадаги озиқ-овқат магазинларидан бирида бўлдик. Октябрь район «Пишчеторг»нига қарашли бу магазинда аҳоли истеъмоли учун нимайики зарур бўлса ҳаммаси мавжуд. Сотувчилардан Тўлқин Тўлаганов, Дилбар Сайдалиева, Зокир Азимовлар харидорларга хушмуомалалик билан чаққон хизмат кўрсатиб туришибди.

— Магазинимиздан йироқроқда турувчи хонадонларга қулайлик туғдириш мақсадида кўчма автолавка ҳам ташкил этганмиз,—дейди магазин мудири ўртоқ Шермуҳамедов,—уларга шофер-сотувчи Рустамбек Юсупбеков эрта билан иссиқ нон, сут, қаймоқ ва бошқа истеъмол буюмлари тарқатиб келади.

Массивда 25 та озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қиладиган магазин аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Иккита ошхона, учта буфет ҳам ишлаб турибди. Ҳар бир ошхона ёнида нонвойхона бор. Массив аҳолисининг ўғил ва қизлари ҳозир бу ерда янги қад кўтарган мактабларда билим олмоқда.

Массивда маҳаллалар территориясини ажратиш ишлари ҳам ниҳоясига етди. Мавжуд кварталларда ҳозир 8 та маҳалла ташкил этилди. Ҳар бир маҳалла марказида клуб-чойхона учун жой ажратиб қўйилди. Массивликлар кундалик газета ва журналларни олиб туришибди. Бу ерда аптекалар, алоқа бўлими, сартарошхона, пойафзал ремонт қиладиган устахона бор.

Массивда олиб борилаётган ҳозирги қурилиш ишлари унинг келажаги янада обод ва гўзал эканлигидан далолат бериб турибди. Ҳадемай у ерда 1320 ўқувчига мўлжалланган янги ҳашаматли мактаб биноси қад кўтаради. Шу мактабнинг ёнида эса 280 кичкинтой учун боғча қуриб берилади. Ҳозир 159-трестга қарашли 13-қурилиш бошқармасининг қўли гул бинокорлари бу объектларни тезрок қўлдан чиқариш мақсадида ишни икки сменада ташкил этишди. Ҳозир массив кенг поёнсиз қурилиш майдонини эслатади. Бу ерда якин келажакда олтита мактаб. 2520 бола тарбия оладиган тўққизта боқча комбинати қурилади. Бундан ташқари бир қатор янги озиқ-овқат, саноат моллари магазинлари, ошхона, кафе бинолари, иккита ҳаммом, тўртта аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган комбинат, шифохона, ёзги ва қишки кинотеатр қурилади троллейбус, трамвайлар қатнай бошлайди.

Октябрь массивининг келажаги ана шундай гўзал ва порлоқ.

И. ЮСУПОВ.

РАК ЧЕКИНМОҚДА

Рак касаллиги мураккаб касалликлардан биридир. Шунинг учун ҳам жаҳон онкологлари бу касалликни даволаш ва унинг олдини олиш проблемалари устида самарали тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Бунда областимиз онкологлари н и н г ҳам озми-кўпми ҳиссаси бор.

Бу соҳада қилинган ишларни умумлаштириш мақсадида яқинда Бекобод шаҳрида область онкологларининг конференцияси бўлиб ўтди. Металлургларг клубида ўтказилган бу йиғинга икки юздан ортиқ мутахассис қатнашди.

Конференция материалларини тайёрлашда Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институти онкология кафедраси ходимлари ва республика онкология диспансери врачлари яхши фаолият кўрсатдилар.

Конференцияда профессор Б. Бронштейн «Рак касаллигига қарши курашиш ва унинг олдини олиш чоралари тўғрисида» илмий доклад қилди. Олим маҳаллий мисоллар асосида бу оғир касалликни даволашнинг ўзига хос томонлари ҳақида батафсил тўхталди. Шунингдек, республика онкологларининг ҳозирда амалга ошираётган ишлари тўғрисида гапирдилар.

Конференция онкологларнинг чинакам тажриба алмашиш мактаби вазифасини ўтади. Конференцияда медицина фанлари кандидати В. Ҳожиев, республика онкология диспансерининг бош врачи Г. Икромова, шу диспансер бўлим бошлиғи Ҳ. Мирходиев, область рак касаллигига қарши кураш бўлимининг бошлиғи Н. Скороходова ва бошқа ўртоқлар ҳам рак касаллиги билан боғлиқ темаларда докладлар қилдилар.

Нотиқлар рак касаллигининг олдини олишнинг асосий чоралари тўғрисида ҳам фойдали маслаҳатларни ўртага ташладилар. Бунда медицина гигиенасига тўла риоя қилиш, ҳавони тозалаш системасини тўғри уюштириш зарур эканлиги алоҳида қайд қилиб ўтилди.

Конференцияда область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Б. Тошбеков, Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Н. Ҳусниддиновлар ҳам сўзга чиқдилар.

Область соғлиқни сақлаш бўлими томонидан уюштирилган бу фойдали тадбирни яна давом эттириш лозим деб топилди.

Қ. СОДИҚОВ.



ЁШ ТЕХНИКЛАР

Республика электротехника медицина техникумини яқинда йигирмадан ортиқ йигит-қиз муваффақиятли тамомлади. Ҳаётга йўлланма олган ёш техниклар бир неча ихтисослик бўйича касб эгалладилар.

Электрон медицина аппаратларн техниги ихтисослигини эгаллаган ёш мутахассислар республикамизнинг турли область ва районларига ишга жўнаб кетдилар.

А. УДАЙЧИЕВ.

ОРДЕНЛИ ИНСТИТУТДА

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари химияси институти Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган эди. Бу институт коллективи ҳозирда янги илмий-тадқиқотлар билан банд. Суратда: илмий ходим Салима Мадҳолиқова лабораторияда.

А. Тўраев фотоси.

Солдат САҲИФАСИ

№ 13

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ— ФАРЗАНДЛАР МЕРОСИ

Куни кеча совет халқи ва бутун прогрессив инсоният Ғалаба куннини байрам қилди. Мактабларда, колхоз-совхоз, завод-фабрика, ташкилот ва муассасаларда, қисмларда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашувлар, кечалар бўлиб ўтди. Она-Ватан озодлиги учун жонини фидо қилган мард қаҳрамонлар хотирасига ёдгорликлар ўрнатилди.

Ушбу «Солдат саҳифаси»да биз матонатли, довюрак собиқ жангчилар хотиралари ва Совет Армияси сафида хизмат қилаётган баҳодир посбонларимиз ҳақида ҳикоя қиламиз.

МАРДЛИК—МАНГУЛИК

(Боши биринчи бетда).

гулларга бурканган жойда ёдгорлик ўрнатишга қарор қилинди. Немис фашистлари устидан қозонилган ғалабанинг 22 йиллик кунида ёдгорликни очиш маросими бўлди.

Район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Камолов митингни очади. Совет Иттифоқи гимнининг садолари янграйди. Ёдгорлик устидаги ипак чодира аста-секин туширилади. Мармар тошга номлари зарҳал ҳарфлар билан ўйиб ёзилган кишиларнинг исм-фамилияларини ўқиймиз. Ака-ука Ҳошимбеков Тоирбек ва Ҳошимбеков Зоирбек... Булар урушдан илгари ўз меҳнатлари, яхши хулқлари билан ҳамқишлоқлари ўртасида ҳурмат эгаси бўлган эдилар. Ватанимизга разил душман хоинлик билан бостириб кирган биринчи кунлардаёқ улар Ватан ҳимоясига отландилар ва оғир жангларда душманни аёвсиз қирдилар, ўзларининг номларини шон-шараф билан буркадилар. Мана бугун уларнинг табаррук номларини мармар тошда ўқиб турибмиз. Ленин қишлоғининг ана шундай йигитларидан Ғани Абдураҳимов, Камол Асомов, Мирзааҳмад Бозорбоев, Ғиёс Исроилов, Қаюм Иноғомов, Тожибой Маликовларнинг ҳам меҳнатсеварлиги, жангда баҳодирлиги ўз ҳамқишлоқларига маълум.

Митингда колхоз раиси Ғиёс Умаров сўзлади. У айтдики, биз Улуғ Ватан урушида баҳодирона ҳалок бўлган ҳамқишлоқларимизнинг номини асло унутмаймиз, ўз меҳнатимиз, қишлоқни яна ҳам обод ва бадавлат, маданий қилиш билан уларнинг руҳини шод этамиз.

Шу қишлоқдаги ва яқин атроф қишлоқлардаги мактаб ўқувчилари гулчамбарлар кўтариб ёдгорлик ёнига келадилар. Мактаб ўқувчилари ва пионерлар ёдгорлик қаршисида туриб: «Оталаримиз, акаларимиз номига муносиб бўлиш учун ҳамма вақт яхши ўқиймиз ва Ватанимизнинг содиқ кишилари бўлиб етишамиз!» деб касамёд этадилар.

Колхоз пиллачилик бригадасининг бошлиғи, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган Усмон Одиловнинг рафиқаси Тўхта Рихсиевага сўз берилади.

Бутун дунё оналари сингари мен ҳам урушнинг бети қурсин деб айтаман, — дейди у. — Турмуш ўртоғим Усмон Одилов фронтга жўнаганда ўғлим олти ёшли бола эди. У ҳозир 26 га тўлди. Совет Армияси сафида хизмат қиляпти. Ботиржон исмли неварам бор.

Тўхта Рихсиева ҳаяжонланиб бирдам гапиролмай қолади. У балки 1942 йилда Белоруссиянинг Осиповчи шаҳрида бўлган оғир жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган эри Усмон Одиловдан келган қора хатни эслаб шундай ҳолатга тушгандир. Балки у невараси Ботиржон туғилган куида ўғлининг суюнганини, лекин бу суюнчини отасига етказолмай бўйини эккан пайтдаги ҳолатини эслагандир.

Урушнинг қонли изи кишилар қалбидан ҳеч ўчмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши урушнинг бети қурсин, янги уруш оловини ёқувчилар йўқолсин, деб баланд овоз билан қатъий қилиб айтади.

Колхоз парник хўжалигининг бригадири Ғаффор Маннопов сўз олади. У ҳамқишлоқларга қўйилган ёдгорлик уларнинг номини келажак авлодга етказади, деб айтади. Ўғил-қизларимиз бу ерга зарҳал ҳарфлар билан ёзилган номларни ҳамма вақт ёд этадилар.

Митингда Ленин номидаги Тошкент пиёда аскарлар ҳарбий мактаби курсантлари автоматлардан уч марта ўқ узиб салют берадилар. Курсантлар шундан кейин ёдгорлик ёнидан Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасини ҳурматлаб саф тортиб ўтадилар.

Шундан сўнг ёдгорлик тагига райондаги колхоз ва совхозлар ҳамда ташкилотлардан гулчамбарлар қўйилди.

Ватан озодлиги ўз халқининг бахт-саодати йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлганларнинг номи абадий яшайди.

С. МАҲКАМОВ,
З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ЖАНГЧИ ЭСЛАЙДИ

— Бу шундай бўлган эди,— аста қисоясини бошлади Аббос ака. 1943 йилнинг охирги ойларида шиддатли жанг қилиб Смоленск шаҳри ва бир қанча қишлоқларини немис босқинчиларидан озод қилдик. Қўмондонлик мен хизмат қилаётган 729-ўқчи полк жангчиларига навбатдаги вазифа қилиб Витебскни озод қилишни топширди.

Бўлажак жангга жиддий тайёргарлик кўрдик. Разведкачиларимиз «тил» ушлаб келгунча яхшилаб дам олдик, овқатландик, ҳаммамиз уйимизга хат ёздик. Қурол-аслаҳаларимизни яна бир бор кўздан кечириб, запас ўқ-дорилар билан таъминландик. Душманнинг кучи, ўт очиш нуқталарини яхшилаб ўрганиб, эрта тонгда ҳужумга ўтдик.

Аввалига югуриб, сўнг эмаклаб, душман траншеясига яқинлашдик. Ён томондан душман соқчилари пайқаб қолиб, ўқ очди. Ўқ ёмғири остида эмаклаб траншеяга ўзимизни урдик. Бу ерда немислар билан яқинамаяқка жанг бошланиб кетди. Кўп ўтмай «ура» овозлари ҳаммаёқни ларзага келтирди.

Биз турган траншеядан юз-юз эллик метр наридаги иккинчи траншеядан немислар қарши ҳужумга ўтиб қолишди. Қулай жой топиб олиб окопдан бош кўтарган фитлерчини нишонга ола бердим. Ўқ тамом бўлди. Нима қилиш керак? Ўқ тўплаш керак холос. Ана шу ниятда окопдан чиққанимни биламан, чап оёғимни кўзғатолмай қолдим. Оёғимдан қон оқяпти-ю, қўлим ер тишлаб ётган душман ёнидаги ўқини олиш билан банд. Бошим айланиб, кўзим тинди. Қўлимга камаримдаги икки граната-ни олганимни биламан...

Аббос ака пиёладаги совуб қолган чойни хўплади.

— Кейин нима бўлди,— сўрадим сабрим чидамай.

— Ўзимга келиб қарасам, ҳарбий кўчма госпиталда ётибман. Оёғим боғланган.

Госпиталда салкам бир ой даволаниб, яна ўз қисмимга келдим. Мени взводимиз командири, старший лейтенант Кривошеев ва бошқа ўртоқларим самимий кутиб олишди. Менга ефрейтор унвони берилиб, бўлинмага командир қилиб тайинлашди. Кейин штабга чақиришди. У ерда дивизия командирининг снёсий ишлар бўйича ўринбосари майор И. Ляляев ҳузурида бўлдим.

— Табриклайман сизни бўлинма командири ўртоқ Ғафуров,— деди майор ва кўкрагимга «Шуҳрат ордени»ни тақиб қўйди. — Мардлигингиз учун дивизия аскарлари қойил қолмонда, яшанг!

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан! Бу юксак мукофот эвазига гитлерчиларнинг адабини бераман!

Жанг майдонида чиниққан моҳир автоматчи, оддий аскарликдан старший сержант даражасигача кўтарилиб, взвод командирининг ўринбосари бўлган Аббос Ғафуров ўз сўзининг устидан чиқди. У бир неча марта жанг майдонида шахсий намуна ва мардлик кўрсатди. 1944 йилнинг июнь ойида уни коммунистик партия сафига қабул қилишди.

Коммунист жангчи сифатида у Болтиқ денгизи бўйигача душманни қувиб борди. Бу жанглардаги хизмати учун Аббос ака яна жанговар Қизил Байроқ ордени ва қатор медаллар билан тақдирланди.

Улуғ Ватан уруши тугагач Аббос Ғафуров бир неча йил савдо соҳасида ишлади. Ҳозир у қариялик пенсиясини олиб, кенсалик гаштини сурялти.

— Пенсионерликни бекорчилик деб билади баъзилар. Мен ундайлардан эмасман,— дейди у,— боғбонлик қиламан, мевали дарахтлар экаман боғимизга. Ўзим пайванд қиламан, ток пархешлайман, гул экаман. Бўш қолдим дегунча набираларимга ошиқаман. Табиат яшнаса, инсон яйраса мен хурсанд. Набираларимга — болаларга тикан кирмаса, дейман. Ахир шу умидда жанг қилдик. Энди ҳеч кимнинг бурни қонамасин, урушнинг оти ўчсин!

Собит ҒАФУРОВ.



Суратда: тактик машғулот пайти. Танкчилар бўлинмаси сувдан қуруқликка чиқмоқда. А. Асанов фотоси.

ГЕНЕРАЛ—БИНОКОР

Ҳозир В. И. Ленин номли Қизил майдон қайтадан реконструкция қилинмоқда. Бўйдор кранларнинг бўғиқ сигнали кечаю-кундуз тинмайди. Йиғма темир-бетон конструкциялар, ғишт ва цемент қоришмаси ортган машиналар шу томонга келади. Бинокорларнинг ҳам иши жадал. Уларнинг қўли-қўлига тегмайди. Тунлари прожектор ёғдусида зангори учқун сачратиб йирик конструкцияларни бир-бирига пайвандламоқдалар. Панеллар орасига ғишт термоқдалар.

Шонли юбилейга яқин қолаяпти. 7 ноябргача Қизил майдон буткул қўлдан чиқиши лозим. Майдонда бўй ростлайдиган 7 қаватли бино пештоқларини алвон ва олабайроқлар безаши керак. Урта Осиёда ягона ҳисобланган бундай баланд бино қурилишини олиб борш 17-бошқарма коллективи зиммасига юкланган. Бошқармага генерал Ғани Хўжаев раҳбарлик қилмоқда. Унинг кабинети ҳар куни гавжум.

Ғани ака кексайиб қолган бўлса ҳам юрагидаги ғайрат ва шижоат ёшларникидан кам эмас. Не-не кунларнинг шоҳиди бўлмаган у. Уруш йилларини ҳалк-ҳали эслаб туради, 1942 йилнинг кеч кузи эди. Сталинград хавф остида. Иккинчи томонда эса душман Кавказга чанг солмоқда. Тошкентдан чиққан эшелонлар фронтга томон ошиқади. Қўшимча ўқ-дори, қурол-аслаҳа ва озиқ-овқат юборилаяпти у ёққа. Кунларнинг бирида Жиззах—Красногвардейская темир йўл линиясидан нохуш хабар келди. Вагонлар йўлда туриб қолибди. Яна фронтнинг чегарасига бориб шундай аҳвол юз берибди. Душман кўриб қолса борми, қурол-аслаҳа элтаётган составни ер билан битта қилади.

Темир йўл бошлиғи Ғани Хўжаевнинг боши қотди. Снёсий бўлим бошлиғи билан узоқ уйлади. Ҳар хил вариантлар ишлаб чиқилди. Ниҳоят Ғани ака барча составларни бир из бўйлаб йўналтиришни таклиф қилди. Бунинг учун бир изли участкаларнинг ҳаммасида бир-тадан темирйўлчи қўйилиши даркор. У байроқча тутган ҳолда эшелонлар ҳаракатини бошқариб туради. Шундай қилиб вагонларни секин-аста белгиланган манзилга етказиб борш мумкин.

Бошлиқнинг гапи ҳаммага маъқул тушди. Бу тажриба тезда мамлакат темирйўлчилари ўртасида кенг оммалашди. Жорий этилган бу янгилик учун Ғани ака «Кавказ мудофааси учун» медали билан тақдирланди.

Уруш йилларн у темир йўл транспортида яна бир қатор янгиликларни жорий этди. Буларнинг барчаси юк ортган составларнинг тезроқ ва бешинчаст манзилга етказиб борди. Уруш йилларн фронт орқасида кўрсатган ғайрат ва шижоати учун Ғ. Хўжаев кўкси Ленин ордени билан безанди. СССР Министрлар Совети унга учинчи ранг ҳаракат генерали унвонини берди.


Уруш ғалаба билан тугагач, Ғани Хўжаев Чоржўй — Қўнғирот темир йўл линияси қурилишига раҳбарлик қилди. Унинг ташкилотчилик таланти бу ерда айниқса яққол кўринди. Шунчалик катта линияни қисқа муддат ичида қуриб ишга туширишнинг ўзи бўлмайди, ахир. Трасса Қоракум чўллари оралаб ўтган эди. Бинокорлар бу жойларда жуда ҳам катта жасорат кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Ғани ака меҳнатдан ҳеч қўрқмади. Ўзи оғир-оғир участкаларда ишлаш истагини билдирди. У бир неча йил Мирзачўлдаги қурилиш ташкилотларига раҳбарлик қилди. Чўлни гулистонга айлантирмагунча бу ердан кетмади. Кейинроқ бориб бинокорлар уни иззат-икром билан пенсияга узатиб қўйдилар. Ленин у бекор ўтиришни ўзига эп кўрмади. Коммунист қалби яратишга, бунёд этишга одамлар учун яхшилик қилишга ундарди. Кейин Тошкентда иш жуда кўпайиб кетди.

Мана ҳозир генерал яна сафда. Генерал бошлиқ бошқарма ахли ўтган ойлар давомида озмунча турар-жой ва маданий-маиший биноларни қўлдан чиқармади. Осмонўпар иморат қаддини ростласа Ғани акаининг қалби бироз ором олади. Бу бино юбилей объекти бўлгани учун ҳам, Урта Осиёда ягона бўлгани учун ҳам бинокорлардан гоят юпи билим ва ғайрат талаб этади. Ғани ака қурилиш майдонига келганида шу улкан вазифаларни яна бир бор ҳис этади.

Биргина Ғани ака эмас, бошқарманинг барча бинокорлари шунақа. Бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан ҳам унумлироқ меҳнат қилишга интилишади.

Ф. ЛОБЗИН,
запасдаги подполковник.



Суратда: Младший сержант А. Бойтиқов бошлиқ расчёт аъзолари машғулот пайтида. В. Дубровченко фотоси.

ҲУШЁР СОҚЧИ

Оддий солдат Тимурбўлатов ўз постида турарди. Салгина нарироқда енгил машина келиб тўхтади. Ундан икки эркак қаҳқаҳа уриб тушди. Бири машина олдида расмга тушмоқчи бўлди.

Кейин нотаниш лар ўрин алмашдилар. Соқчи Тимурбўлатов диққат билан уларни кузатиб турди. Шартли сигнал билан постга хабар бериб, бошлиқни чақирди ва унга ҳамма воқеани айтиб берди.

Фотоҳаваскорлар ушланди. Текширив кўрилганда улар ҳарбий объектни суратга олганлари маълум бўлди.

Ўз постида ҳушёр турган соқчи Тимурбўлатов командирлик томонидан мукофотланди.

В. КРАСНОЩЕК,
ефрейтор.

ХОТИРАНГИЗ САҚЛАНАР МАНГУ

Холид РАСУЛ

«1941—1944 йилларда Ленинград фашистлар томонидан қамал қилиниб турган давр ичида болалар, аёллар, чоллар, кампирлар азоб-уқубатда ҳалок бўлганлар. Ҳалок бўлган 470.000 киши Пискарев қабристонига қўйилган» (Қабристон лавҳаларидан).

Булутли кун
чимдилайди танни изғирин,
Хаёлларим титкилайди йилларнинг сирин.
Мен ўтаман
Кўмкўк, яшил рус ўрмонидан
Таслим бўлмас кишиларнинг хиёбонидан.
Кўмкўк сайҳон тепаликда тинч ухлаб ётар
Улим билан курашганлар қаторма-қатор...
Ленинград тўққиз юз кун қолди қамалда,
Фашистларнинг ўровида, мудҳиш бир ҳолда
Очлик, ўлим даҳшатида эзилиб бағир —
Қийналса-да, бўйсунмади мағрур баҳодир.
Очлик, ўлим чангалида ғазаб, нафрат, кин
Сақлаб дилда ёвга қарши курашди кескин,
Қурол, ярог, аслаҳалар тайёрлаб тун-кун,
Жанг қилди халқ бахти учун,
келажак учун!
Сариқ мараз, ифлос вабо — фашизм, малъун
Эл қаҳрига учраб бари емирилди бутун!
Булутли кун
чимдилайди танни изғирин,
Хаёлларим титкилайди йилларнинг сирин.
Тафаккурим бенихоя,
хаёлим — чўнг. зил
Оғир, сўнгсиз хотиралар
остида малул.

Ленинград.

ПЎЛАТ ИРОДА

Инсон яшаш ва қураш учун яралган, у ўз ҳаёт йўлида гоҳо мутлақо тасодиф ёки қонуний тўсиқларга дуч келади. Ҳаётда учраган ана шундай тўсиқларни енгиш ва қандай даражада енгиб ўтиш кишилар тақдирига, келажагига таъсир кўрсатади, албатта. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Миржамил ака Мирҳайдаров ўз тақдирини енга олган ажойиб инсон, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳар бир қарич она еримиз учун душман билан мардона курашган жасур жангчи, кўпгина мўмин-қобил фарзандларининг севимли падари.

Уруш. Ана шу мудҳиш уруш кўпдан қатори Миржамил аканинг тақдирини белгилади. Немис-фашист газандаларининг уруш эълон қилмай Ватанимиз тупроғига қўққисдан бостириб кирганлиги ҳақидаги нохуш хабар гарбий чегаралардан анча олис бўлган Тошкент шаҳрига етиб келганда Миржамил ака Октябрь райпишчетогида бухгалтер бўлиб тинч меҳнат қиларди. Эл қатори Миржамил ака ҳам сафарга отланди. У суюкли фарзандлари бошини силаб, қопқора кўзларига қайта-қайта тикилганича фронт сари йўл олди.

Икки энлик хат ёш онлани ота билан боғлаб турди. Миржамил ака ўз ёзган хатларида оила тинчлигини, фарзандлари соғлигини сўрар, пировард уларни қандай тарбия олаётгани билан батафсил қизиқарди. Ўша даҳшатли уруш йиллари ёш онлага парвона бўлиб қолган она — Ҳакима опа жавоб хатларида тинч яшаб туришгани, болаларнинг мактабга қатнаб тургани, яхши ўқишаётгани, бамаъни қобил фарзандлар бўлиб ўсаётганлари, ўзининг эса ишга киргани ва меҳнати ҳақида ёзарди.

Миржамил ака Украина ерларини озод қилиш учун олиб борилган жангларда қатнашди. Ўз Ватанининг ҳақиқий фарзанди сифатида ана шу жангларда жасорат ва матонат намуналарини кўрсатди.

... 1943 йилнинг 17 июли. Кукушкин қишлоғини озод қилиш учун жанг бораяпти. Душман мавжуд ҳамма қуролларидан ўт очиб совет жангчиларининг ҳужумга ўтишига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатарди. Лекин фашист газаларининг қаршилиги кўпга чормади, совет жангчилари шиддатли ҳужумга ўтишди. Душманнинг олдинги мудофаа кучлари инсон қилинди. Лекин ҳужум ҳамон тезлик билан олга давом этарди. Тез-тез учраб турган окоп ва гурли дўнгликлар устидан чаққонлик билан сакраб илгарига интилаётган Миржамил аканинг ёнгинасида шу пайт душман снаряди келиб тушди. Кучли портлаш борлиқни ларзага келтирди...

Миржамил ака ҳушига келганда госпиталда ётарди. У қанча уринмасин бу ерга қандай қилиб келиб қолганини эслай олмади. Унинг қулоғида ҳамон ўша даҳшатли гортлашнинг зарби қолган, бошн ганграф кўзи тинарди. Аввалига у ўз жароҳатларини пайқай ҳам олмади. Чарчаш, кўп қон йўқотиш уни ҳолдан қаттиқ тойдирганлигидан уйқуга кетди.

Тиниқиб дам олгач ўзини анча енгил сезди. Уйга—Тошкентга хат ёзмоқчи бўлди. Бироқ ўрнидан қўзгала олмади. Даҳшат! Икки қўли елкасидан кесиб ташланган эди. Кўнгли аллanечук бўлиб кетди. Томоғига нимадир қўндаланг туриб қолди. Жим, товушсиз кўзларини юмди. У шу кезда нималарни ўйлади экан. Миржамил ака афсус қиларди. Мажруҳ бўлиб қолишдан ёмон нарса йўқ. Бу инсон учун бахтсизлик. Ҳа, тамом, ҳаммаси тамом.


Жасур жангчи госпиталда узоқ даволанди. Ўзи учун жароҳатидан ҳам оғирроқ бўлган мана шу кунларда шифо термулиб кўп ўйлади, кўп ўйласа ҳам пухта ўйлади. Лекин ҳаёллари тубига етолмади. Рафиқаси, хушрўй-хушрўй фарзандлари ва ёру дўст-қариндошларини қайта-қайта эсга олди, улар қандай кутиб олишини бир-бир кўз олдига келтириб кўрди. Юраги орзиқди.

Миржамил аканинг фронтдош дўстлари унга тасалли беришди, «Фарзандларингиз вояга етиб қолибди, сира ҳам ўкинманг» дейишди. Миржамил аканинг жароҳатлари бутунлай битгач уйига қайтишга рухсат беришди. Уруш майдонларида ёвуз душманга қарши елкама-елка туриб совуқни-совуқ, иссиқни-иссиқ демай бирга жанг қилган дўстлари ростовлик В. И. Степаненко ва нижний тагиллик М. И. Коловолскийлар уни Тошкент шаҳар. Октябрь район Ҳуррият проезди 7-тупик, 14-уйгача кузатиб келишди. Миржамил ака ўша кезлардаги жуда оғир дақиқаларда қарамасдан ўзини то қадрдон уйигача бажонидил кузатиб келган фронтдош дўстлари номини ҳозир ҳам қаломи ҳурмат билан тилга олади.

Миржамил ака уйига келди-ю, йўл-йўлакай ўйлаб келган фикр-ҳаёллари остин-устун бўлиб кетди. Уни хотини ва фарзандлари ота дийдорига чуқур ташналик билан пешвоз чиқиб қарши олишди. У шунда қўлининг бор-йўғлигини ҳам тамоман унутиб қўйди. Миржамил ака Мирҳайдаров Ватан олдидаги ўзининг муқаддас бурчини шараф билан адо этди. У мамлакат озодлиги, халқ бахт-саодати йўлида ёвуз душманга қарши жанг қилиб икки қўлидан айрилди. Унинг жангларда кўрсатган жасорати муносиб тақдирланди. Миржамил аканинг кўксини биринчи даражали Ватан уруши ордени ва бошқа жанговарлик медаллари безаб турибди.

Оғир жароҳат Миржамил ака иродасини бука олмади, у тақдир қаршисида тиз чўкмади. Оташ юрак, фарзандларга оталик меҳр-муҳаббати унинг юксак инсонийлик тахтига кўтарди. Ҳозир Миржамил Мирҳайдаров 62 ёшда. Мўмин-қобил олти фарзанди, ширин-шакар олти набираси бор. Тўнғич ўғли Маъруф олий маълумотли, кейинги ўғли Ҳақиқат эса аспирантура талабаси. Хуллас фарзандларнинг ҳаммаси илмли, замонасининг етук кишилари бўлиб тарбия топаяпти.

Миржамил ака қадрдон дўстиникида ўз ўртоқларини Совет Армияси сафига кузатиш маросимига йигилган ўсмир йигитлар давраси-



да ўтирар экан, ана шулар ҳақида ўйлади. Ёшларга бошидан кечирган ўша оғир дамлар, Улуғ Ватан уруши фронтларида совет кишилари кўрсатган мислсиз жасорат ҳақида-тўлқинланиб сўзлаб берди. Вақт етиб, ҳамма ўрнидан қўзғалди. Миржамил ака дўстининг ўғлини узатиб қоларкан, унга оқ йўл тилаб ушбу сўзларни юрагидан чиқариб айтди: «Соғ бориб, омон кел. Ватанга, халқингга ҳалол хизмат қил!».

Миржамил ака маҳаллада ҳам катта обрўга эга. Кексаю ёш уни бениҳоя иззат қилади. У «Коминтерн» маҳалласининг отахони, қариялар Советининг аъзоси, ёшларнинг маслахатгўйи, педагогларнинг яқин ҳамсуҳбати.

Ф. НУРИТДИНОВ,
Октябрь районидаги 11-мактаб ўқитувчиси.
Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН пойтахтида уй-жой қурилиши жадал суръатлар билан давом эттириляпти. Деярли ҳар куни юздан ортиқ оила янги хоналарга кўчиб кираяпти. Қардош республикалардан келган бинокорлар қатори қозоғистонлик қурувчилар ҳам янги уй-жой бинолари барпо этишяпти. Сиз суратда кўриб турган ана шу беш қаватли уйларнинг ҳаммаси қозоғистонлик бинокорларнинг пойтахт аҳолисига қилган юбилей совғасидир.

Г. Пун фотоси.

УЛУҒ САНАЛАРГА БАҒИШЛАБ

Пойтахтимиздаги 174-мактабда Улуғ Октябрининг шонли 50 йиллиги ва доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан қатор яхши тадбирлар амалга оширилмоқда. Мактаб педагогик коллективи шонли саналарга бағишланган бир неча кечалар ўтказди.

Республикамизнинг донгдор кишилари ва меҳнат ветеранлари билан учрашув кечалари ҳам жуда марокли бўлмоқда. 1917 йилнинг октябрида Петроградда доҳий В. И. Ленин билан учрашган революция ветерани Иван Кузьмич Черницкий мактаб ўқувчилари ҳузурига меҳмон бўлиб келди. У ўзининг доҳий билан бўлган учрашувлари тўғрисида мароқ билан гапириб берди. Ўша куни революция ветерани Жўра Алимов, Икром Каримовлар ҳам революцион традициялар тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар.

Мактаб ўқувчиларини совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда. Бунда, айниқса Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан бўлаётган учрашувлар муҳим роль ўйнамоқда. Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Ҳакимов ўқувчиларнинг таклифи билан мактабга келди. Бу учрашув болаларда яхши таассурот қолдирди. Ўртоқ А. Ҳакимов ҳозирда Тошкентдаги «Дружба» кинотеатрининг директори бўлиб ишламоқда.

— Мен ҳам совет мактабида таълим олдим, — дейди у, — совет граждани бўлишдек фахрли иш жуда улуғдир. Яхши ўқиб, Ватан олдидаги бурчингизни адо этинг!

Мактабда доҳий бурчаги ташкил этилди. Бурчакда тўртта бўлим бор. Ҳар бир бўлим тарихий материаллар ва фотосуратлар билан безатилган.

Пионер ва ўқувчилар мактабда Ленин музейини ташкил этишга киришдилар.

А. РАҲИМБОЕВ.

МАКТАБДА СПОРТ БАЙРАМИ

— Соғлом танда — соғлом ақл, деб халқ доношмандлари бекорга айтмаган эканлар, — дейди мактаб директори Ҳ. Мирахмедов. — Биз шу фикрга амал қилиб, ўқувчилар билан дарсдан ташқари ўтказиладиган ҳар қандай тадбирларни уларнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсишлари билан боғлаб олиб бормоқдамиз. Мана «Сиҳат-саломатлик куни» ҳам шу мақсадни кўзлаб ўтказилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам мактабнинг спорт майдони ёз тушса ялагудек қилиб супурилиб, сув сепилган. Духовой оркестр садолари остида ўқувчилар саф-саф бўлиб майдонга кириб келадилар. Спортнинг дерли ҳамма секциялари бўйича мусобақалар бошланади. Ўқувчилардан Ҳикматов, Хазмева, Азизов, Сайфуллин, Абраменко, Шавирина, Уссеновалар енгил атлетика мусобақаларида ажойиб маҳорат кўрсатдилар. 8 ва 10-синф футбол командаларининг финал ўйини билан «Саломатлик куни»га бағишланган тадбирлар якунланди. Волейбол, баскетбол ва футбол бўйича ғолиб чиққан командаларга I даражали диплом ва кубок топширилди.

Ўқувчилар саломатлигининг энг муҳим гарови — физкультура ва спортдир, деган шиорга амал қилинаётган Тошкент шаҳар Киров районидаги 63-мактабда «Саломатлик куни» мана шундай мароқли ўтди.

А. МАЪЗУМОВ.



Чимёнда XIX традицион май альпинадаси бўлиб ўтди. Бунда Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларининг турли жамият ва клубларининг спортчилари қатнашдилар. 300 га яқин киши биринчи марта Катта Чимён чўққисига кўтарилди. Суратда: бир группа альпинистлар чўққига чиқмоқдалар.

А. Почкаев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ДУСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ВАКИЛЛАРИ

СОФИЯ, 10 май. (ТАСС). Болгариянинг бугун босилиб чиққан барча марказий газеталари «Азиз совет қардошларимиз, хуш келибсиз!» деган табрик сўзлари билан бошланади. Бу сўзлар қизил рангдаги катта ҳарфлар билан босилган. Матбуотда Совет партия—ҳукумат делегациясининг визитига бағишланган бош мақолалар ва редакцион мақолалар, делегация бошлиги Л. И. Брежневнинг таржимаи ҳоли ва портрети ҳамда совет ва болгар халқларининг дўстлиги ва қардошлиги тўғрисидаги бошқа кўп материаллар босиб чиқарилган.

Бизнинг халқимиз, деб ёзади «Работничество дело» газетаси, бугун энг азиз меҳмонларни — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегациясини зўр шодлик билан кутиб олмоқда. Улуғ қардош мамлакатнинг вакиллари олижаноб миссия билан бизнинг мамлакатимизга келдилар: улар Софияда бўлган вақтда Болгария Халқ Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги янги шартнома имзоланади.

Болгария Коммунистик партияси, мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари, деб ёзади газета, Совет Иттифоқи билан, КПСС билан дўстлигимизни ҳамиша жуда катта ютуғимиз деб ҳисоблаб келдилар ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисобламоқдалар. бу дўстликни муқаддас билиб сақлаб келмоқдалар. Биз Советлар мамлакатини самимий дўстимиз, содиқ иттифоқчимиз, жонажон оғамиз-дебгина эмас, балки жаҳондаги барча халқлар учун буюк намуна ва эллик йилдан буён бу халқларга истиқбол йўлини ёритиб турган машъал ҳам деб биламиз.

Янги шартнома имзоланадиган йил СССР халқлари учунгина эмас, балки бизнинг халқимиз учун ҳам жаҳонда озодлик ва тараққиётни қадрлаётган барча кишилар учун ҳам ажойиб йил бўлиб қолади. Худди шу йили инсоният тараққиётида янги давр очиб берган Улуғ Октябрининг шонли 50 йиллик юбилейи байрам қилинади. Октябрь бошлаб берган иш биз учун муқаддас ишдир. Бизнинг халқимиз Болгарияда бу ишнинг тўла тантанаси учун ўзининг илҳомбахш меҳнатини сарф қилмоқда.

Бугун биз Советлар мамлакатидан келган азиз меҳмонларни чин кўнглимиздан чиққан самимий сўзлар билан табриклаймиз. Азиз совет қардошларимиз, болгар днёрига хуш келибсиз.

«Отечествен фронт» газетаси бундай деб ёзади: биз қон-қардош ва иттифоқчилар бўлганлигимиз туфайли бахтиёрмиз. Биз ягона идеалга интилмоқдамиз ва бу идеални рўёбга чиқариш учун курашмоқдамиз. Биз ягона сафда бориб, дўстлик вазнятида тараққиёт ва фаровонни таъминлаймиз, тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз. Бизнинг дўстлигимиз Стара Планина ва Урал каби қудратлидир. Бу дўстликка путур етказа оладиган кучлар дунёда йўқ. Совет вакиллари, миннатдор халқимиз май кунларида сизларни зўр шодлик ва ифтихор билан қадимий тупроғида кутиб олади ва сизларни қардошларимиз, деб атайди.

ИСПАНИЯДА ПОЛИЦИЯ РЕПРЕССИЯЛАРИ

ПАРИЖ, 10 май. (ТАСС). Испания полициячилари кеча Сумарраг шаҳрида (Гипускоа вилояти) осмонга ўқ узиб, 500 намойишчини тарқатиб юборишга уринib кўрдилар. Намойишчилар Биринчи Май намойишига бошчилик қилган ишчи комиссиялари раҳбарларининг қамоққа олинишига қарши норозилик билдиргани эдилар.

Франс Пресс агентлиги мухбирининг Сан—Себастьяндан хабар беришича, намойиш қатнашчилари полициячиларни тош-бўрон қилганлар. Олти киши қамоққа олинган.

БАЙРАМ ЭСТАФЕТАСИ

Чехословакия Социалистик Республикасининг меҳнаткашлари шу кунларда фашист босқинчилардан озод қилинган кунининг 22 йиллиги байрамини ўтказяптилар. Совет кишилари уларга қардошларча дўстлик мактубини йўлладилар. 10 майда Москвадан йўлга чиққан традицион мотоэстафета қатнашчилари бу мактубни Чехословакия Социалистик Республикасининг давлат чегарасига олиб бордилар.

Манежная майдонида эстафета бошланиши муносабати билан ўтказилган митингни КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Б. Я. Павлов очди. У, москваликлар номидан Чехословакия Социалистик Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Олдржих Павловскийни ва қардош мамлакатнинг бошқа вакилларини самимий табриклади. (ТАСС).

ГРЕЦИЯДАГИ ТЎНТАРИШ ҚОРАЛАНМОҚДА

АНГЛИЯ

ИСТБОРНДАГИ (Суссекс графлиги) маъмурий техник ходимлари уюшмасининг ҳар йили ўтказиб турилади ган конференциясида қабул қилинган резолюция башарти Греция ҳарбий ҳукумати снёсий маҳбусларни озод қилишдан бош тортадиган бўлса, Англиянинг Грециядаги элчиси чақириб олинсин, деб талаб қилади. Конференция қатнашчилари Англия ҳукумати Грециядаги ҳарбий тўнтаришни қоралаган бошқа бир қанча мамлакатларнинг ҳукуматларидан ўрнак олсин, деб талаб қилдилар.

ФРАНЦИЯ

Франция жамоатчилиги, касаба союзлари ва снёсий партияларнинг вакиллари Грециядаги репрессияларга қарши норозилик хатини Греция делегатига топшириш учун НАТО саройига келишди. Бу ерда Шимолий Атлантик блоки мамлакатлари мудофаа министрларининг мажлиси ўтказилмоқда эди.

Ўттиздан ортиқ делегация НАТО биноси олдига келди.

ВЕНГРИЯ

Венгрия ёзувчилар союзи Грециянинг Будапештдаги элчихонасига телеграмма юборди. Бу телеграммада снёсий маҳбуслар дарҳол озод қилинсин ва прогрессив арбобларга қарши зўрабонлик тўхтатилсин, деб талаб қилинади.

ШВЕЙЦАРИЯ

Швейцария парламенти депутатларидан ўн бир киши ҳозирги Греция ҳукумати бошлиғи Коллиасга телеграмма юбордилар. Улар Эда партияси парламент группасининг Юра совет қардошларимиз, болгар днёрига хуш келибсиз.

«Отечествен фронт» газетаси бундай деб ёзади: биз қон-қардош ва иттифоқчилар бўлганлигимиз туфайли бахтиёрмиз. Биз ягона идеалга интилмоқдамиз ва бу идеални рўёбга чиқариш учун курашмоқдамиз. Биз ягона сафда бориб, дўстлик вазнятида тараққиёт ва фаровонни таъминлаймиз, тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз. Бизнинг дўстлигимиз Стара Планина ва Урал каби қудратлидир. Бу дўстликка путур етказа оладиган кучлар дунёда йўқ. Совет вакиллари, миннатдор халқимиз май кунларида сизларни зўр шодлик ва ифтихор билан қадимий тупроғида кутиб олади ва сизларни қардошларимиз, деб атайди.

ИСПАНИЯДА ПОЛИЦИЯ РЕПРЕССИЯЛАРИ

ПАРИЖ, 10 май. (ТАСС). Испания полициячилари кеча Сумарраг шаҳрида (Гипускоа вилояти) осмонга ўқ узиб, 500 намойишчини тарқатиб юборишга уринib кўрдилар. Намойишчилар Биринчи Май намойишига бошчилик қилган ишчи комиссиялари раҳбарларининг қамоққа олинишига қарши норозилик билдиргани эдилар.

Франс Пресс агентлиги мухбирининг Сан—Себастьяндан хабар беришича, намойиш қатнашчилари полициячиларни тош-бўрон қилганлар. Олти киши қамоққа олинган.

БАЙРАМ ЭСТАФЕТАСИ

Чехословакия Социалистик Республикасининг меҳнаткашлари шу кунларда фашист босқинчилардан озод қилинган кунининг 22 йиллиги байрамини ўтказяптилар. Совет кишилари уларга қардошларча дўстлик мактубини йўлладилар. 10 майда Москвадан йўлга чиққан традицион мотоэстафета қатнашчилари бу мактубни Чехословакия Социалистик Республикасининг давлат чегарасига олиб бордилар.

Манежная майдонида эстафета бошланиши муносабати билан ўтказилган митингни КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Б. Я. Павлов очди. У, москваликлар номидан Чехословакия Социалистик Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Олдржих Павловскийни ва қардош мамлакатнинг бошқа вакилларини самимий табриклади. (ТАСС).

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Хунвэйбинларнинг «Дунфанхун бао» газетаси Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 7 майда «Сичуан вилояти масаласини бартараф этиш хусусида» чиқарган қарори ҳақида хабар беради.

Бу қарорга мувофиқ Хитой Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси Ли Цзин-Цюань Хитой Компартияси Марказий Комитети ғарбий-жанубий Бюросининг биринчи секретари ва Чэнду ҳарбий округи (Сичуан вилояти) биринчи сиёсий комиссари лавозимларидан олиб ташланган. Ҳарбий округ қўмондони билан округнинг учинчи сиёсий комиссари ҳам ўз лавозимларидан олиб ташланган.

Сўнгги кунлар чет эл мухбирлари ва хунвэйбинларнинг матбуоти Хитойнинг Ғарби-Жанубида ва хусусан Сичуан вилоятида «маданий революция» тарафдорлари билан унинг мухолифлари ўртасида бўлаётган тўқнашувлар тўғрисида хабар берган эдилар. Армиянинг бир қисми партия комитетларига ҳужум қилган хунвэйбинлар билан цзаофанларга қарши чиққанлиги тўғрисида маълумотлар эълон қилинди. Хунвэйбинлар ўз нашрларида бу қаршиликка бошчилик қилган асосий шахс Ли Цзинь-Цюань эканлигини айтмоқдалар.

«Дунфанхун бао» газетасининг хабарига кўра, Чэнддудаги 132-заводда 6 майда маоцзедунчилар билан уларнинг мухолифлари ўртасида яна тўқнашув юз берган. Тўқнашувда милтиқ ва қўл гранаталари ишлатилган. Газетанинг хабар беришича, 100 дан ортиқ киши яралар бўлган. Бир хунвэйбин—Пекин геология институтининг студенти ўлдирилган.

Турли манбалардан келаётган хабарларга кўра, Хитойнинг бошқа районларида, жумладан ички Монголияда ҳам Мао Цзэдун тарафдорлари билан унинг мухолифлари ўртасида жиддий тўқнашувлар бўлмоқда.

(ТАСС).

АҚШДА МАХФИЙ ИЎЛДОШ УЧИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 10 май. (ТАСС). Бугун Америкаиинг Ванденберг ҳарбий ҳаво базасидан (Калифорния штати) махфий йўлдош учирилди. ЮПИ агентлигининг хабар беришича, йўлдош «Тор-Ажена» ракета системаси ёрдамида учирилган.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

12 МАЙ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — Эшиттиришлар программаси, 18.00 — Ҳамма нарсани билишни истайман (тележурнал), 18.30 — Телевизион янгиликлар, 18.45 — Концерт (Тошкент трикотаж фабрикаси бадиий ҳаваскорлари иккросида), 19.25 — Ёшим йигирмада (бадиий фильм), 20.50 — Эртаги кун программаси.

Ўзбек тилида: 20.55 — Телевизион янгиликлар, 21.10 — Ер ва эл, 21.40 — Илғор хўжаликда (қозоқ тилида), 22.00 — Катталар ва ниччилар (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — Эшиттиришлар программаси, 18.00 — Расмли ҳикоялар (кичкинтойлар учун), 18.20 — Олий математика (сиртдан ўқиётган студентлар учун ўқув эшиттиришлари программаси).

19.45 дан — Москва кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 12/V да Москва санъат усталарининг катта концерти.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/V да Сарвқомат дилбарим, 13/V да Парвона.

КИНО

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи), «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ва 9.15 минутда).

Севги давоси — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», (кундуз ва кечқуруи), «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Жаҳаннам гирдобида икки йил — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МИР» (кундуз ва кечқуруи), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Разведкачининг жасорати — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2, 4 да).

Уруш ва тинчлик — «МОСКВА» «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Тоҳир ва Зуҳра — СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10, кундуз 12, кеч 6 ва 10 да).

Вахтангов (ҳужжатли фильм) — «ФЕСТИВАЛЬ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Сеҳрли халат — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да).

Виждон амри билан — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

Чет эллик аёл — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 ярим ва 10 да)

Жаҳаннам гирдобида икки йил — «ФЕСТИВАЛЬ».

Севги давоси — «ХИВА».

Ғазаб — КАФАНОВ номли. Лай, лак келди, ёз бўлди — «1 МАЙ».

Қиш тонги — «УДАРНИК».

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА

13 май кеч соат 7 яримда

Тошкент давлат консерваториясини битириб чиқувчилар иштирокида.

Майсаранинг иши (1-кўриниш).

Подшо қайғиси (2-кўриниш).

Риголетто (2-кўриниш).

(Вепул).

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1967 йил 26 май кундуз соат 2 да, Тошкент политехника институти химия-технология факультетининг илмий совети мажлисида (Т. Шевченко кўчаси, 1-уй) техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

М. З. Цвик «Бирлаштирилган процессда мураккаб грануланган ўғитларнинг гидродинамика қатламли структураси ва масса алмашишининг ҳар хил саволлари» деган темада.

Э. М. Мансуров «Қайта ириш элементи билан тарелка оқимида гидродинамика ва масса алмашишини ўрганиш» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Навоий кўчаси, 13-уй).

Тошкент ҳақиқати» редакцияси коллективи газета ходими Э. Аҳороваға онаси

ОЙНИСА АКРОМОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

ФУТБОЛ ЯНА ДУРАНГ

«Пахтакор» билан Одессанинг «Черноморец» командалари ўтган йили қайси бирлари кучли эканлигларини ҳал қилишаолмай, ҳар иккала ўйинни дуранг қилган эдилар. Тошкентда бўлган ўйин 1:1 ҳисобида, Одессадагиси эса 2:2 ҳисобида тугаган эди. Ўтган сешанба куни бўлиб ўтган матч ҳам кучлар тенг эканлигини кўрсатди.

Ўйин бошланиши билан мезбонлар ҳужумга ўтишди. Улар тез-тез Пшеничников дарвозасини таҳликага солабошладилар. Аммо ҳимоячиларимиз ҳушёрлик билан ўйнаб, барча хавфларни бартараф этиб туришди. Ўйиннинг 31-минутида Сенеч қанотдан ёриб ўтиб, кучли зарб билан тўпни дарвозага қараб тепди. Пшеничников уни қўлда ушлаб қололмай қайтариб юборди ва йиқилиб тушди. В. Босий тўпни бўш дарвозага тепмоқчи эди, аммо унга Р. Зокиров ҳалақит берди. Тўпни эгаллаб олган В. Москаленко уни бўш қолган С. Звенигородскийга узатди. Қанот ҳужумчиси дарвозага тўп киритиб, ҳисобни очди.

Пахтакорчилар орадан бир минут ҳам ўтмасдан ҳисобни тенглаштиришди. Мезбонлар ўйин қоидасини бузишди. Г. Красницкий 35 метрлар чамасидан тўпни зарб билан тепиб, рақиб «девори»ни ёнидан дарвозага йўналтирди.

Ўйиннинг иккинчи бўлимида гол бўлмаган бўлсада ниҳоятда кескин ўтди. Бироқ афсуски ана шу кескинлик бироз қўполликка ҳам айланди. Москвалик Бутуниттифоқ категорияли судья Б. Соловьев ана шу кескинликнинг олдини ололмади. Меҳмонлар аввалига В. Солохани, кейин эса В. Бектошевни қўпол ҳаракат қилиб йиқитишди. Судья бунга эътибор бермади. Б. Соловьев ўйинга бўш судьялик қилди.

8-турнинг бошқа учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади. «Торпедо» (Москва) — «Крилья Советов» — 0:1, «Қайрат» — «Динамо» (Киев) — 0:1, «Арарат» — «Динамо» (Тбилиси) 0:1, «Заря» — «Зенит» — 0:0, «Шахтёр» — «Динамо» (Москва) — 0:0, «Нефтяник» — «Торпедо» (Кутаиси) — 3:0, «Спартан» — СКА (Ростов) — 2:1, ЦСКА — «Локомотив» 0:1.

Командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	У.	Т.	О.
«Динамо» К.	8	10—3	12
«Динамо» Тб.	8	10—6	11
«Нефтяник» Б.	8	12—6	10
«Динамо» М.	7	8—3	10
«Пахтакор» Т.	8	9—6	9
«Заря» Л.	7	5—3	9
«Шахтёр» Д.	8	8—10	9
«Динамо» Мн.	7	11—7	8
«Торпедо» М.	7	6—3	8
СКА Р.Д.	8	7—8	8
«Крилья Советов»	7	2—2	7
«Локомотив» М.	7	5—6	7
ЦСКА	7	6—6	6
«Арарат» Е.	8	3—5	6
«Торпедо» Кт.	8	3—8	6
«Черноморец» О.	8	5—11	5
«Зенит» Л.	8	4—11	5
«Спартан» М.	7	4—8	4
«Қайрат» О.	8	3—9	4

СССР ТЕРМА КОМАНДАСИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Утган куни Глазгода СССР терма командаси Шотландия терма командаси билан халқаро ўртоқлик учрашувини ўтказди. Совет футболчилари 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

ЁШЛАР КОМАНДАМИЗ ЯРИМ ФИНАЛДА

Ёшлар командаси ўртасида ўтказилаётган Европа XX биринчилиги мусобақалари охирлаяпти. СССР ёшлар терма командаси Руминия футболчиларини 2:0 ҳисобида енгиб, ярим финалга чиқди. Совет футболчилари ярим финалда майдон эгалари Туркия командаси билан учрашади.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—В35212, Редактор ўринбосарлари—В35885, В36232, Масъул секретарь—В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—В31936 Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—В33786. Партия турмуши. Ахборот ва спорт бўлимлари—В35811, Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари—В39050, Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими—В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими—В34048. Эълонлар бўлими—В38142. Коммутатор—В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01791. Индекс 64970 А. — 1856.